БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 146 (5437).
30
Июнь 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1984 ЙИЛ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИНИНГ «ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИ ИШИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ, ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ НУТҚЛАРИДА БАЁН ЭТИЛГАН ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР ВА ТАВСИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Ғ. Салимовнинг «КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг Халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш тўғрисидаги қарори, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсияларни амалга ошириш юзасидан катта ишлар қилинаётир.

Ўз фаолиятларининг услуб ва методларини доимо такомиллаштириб бораётган халқ депутатлари Советлари республика олдида турган барча хўжалик-сиёсий вазифаларни амалга оширишга қўшадиган ҳисса тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида мутлақо тўғри айтиб ўтилганидек, халқ депутатлари Советлари хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан тўла фойдаланмаётирлар. Улар халқ хўжалигини бошқариш ишини такомиллаштириш ва жойларда экономикани комплекс ривожлантиришга етарли эътибор бермаётирлар, уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши планларининг бажарилишини, бошқаришнинг территориал ва тармоқ асосларини тўғри қўшиб олиб бориш, аҳоли ҳаёти ва турмушининг ҳамма томонларини яхшилаш устидан контролни суст амалга оширмоқдалар.

Индустриянинг самарадорлигини ошириш, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш резервларидан ҳанузгача яхши фойдаланилмаётир. Фан-техника тараққиётининг ютуқлари, хўжалик механизмини такомиллаштириш юзасидан киритилган таклифлар ва тавсиялар етарли даражада амалга оширилмаётир. Меҳнат унумдорлигини яна анча ошириш, маҳсулот таннархини, айниқса, ҳамма жойда бригада хўжалик ҳисобини жорий этиш, тежамкорлик режимини кучайтириш ҳисобига камайтириш учун барча зарур ишлар қилинмаётир. Меҳнат резервлари етарлигидан ортиқча бўлишига қарамай, республикада, айниқса, Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Бухоро, Фарғона ва Жиззах областларида ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада самарали фойдаланилмаяпти.

Моддий ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг кўпгина соҳаларида кейинги вақтда ҳисоб ва ҳисоботни кўпол бузиш, кўшиб ёзиш ва талон-торож қилиш сингари ярамас фактлар мавжудлиги аниқланди. Айниқса, пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларда ножўя аҳвол юз берган.

Давлат, план интизомини тубдан мустаҳкамлаш талаб этилади. Беш йилликнинг уч йилида ва шу йилнинг беш ойи ичида республикадаги барча корхоналарнинг учдан бир қисмидан кўпроғи маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини ҳисобга олганда маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармади. Иш вақтининг бекор кетиши ва кадрлар қўнимсизлиги амалда камаймаётир. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасидаги камчиликлар сусткашлик билан бартараф этилаётир. Иш ҳақи фондининг бир сўми ҳисобига товар ишлаб чиқариш даражаси ҳамон паст.

Советлар капитал қурилишга қониқарсиз раҳбарлик қилмоқдалар. Капитал маблағлардан самарали фойдаланиш таъминланмаяпти, уй-жойлар, умумий таълим мактаблари, касалхоналар, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва бошқа социал-маиший муассасаларни фойдаланишга топшириш планлари тўла бажарилмаяпти. Объектларни чала ва сифати паст ҳолда фойдаланишга топширишдан иборат ярамас практика ёйила бошлаган. Ҳамма жойда планга киритилмаган иншоотлар кенг кўламда қуриб келинмоқда. Уларнинг кўпларига ҳаддан ташқари хашамат билан барпо этилмоқда.

Аграр саноат комплексига раҳбарлик қилишда жиддий камчиликлар бор. Пахта толаси олиш камайиб кетмоқда, толанинг сифати яхшиланмаяпти. Кўпгина хўжаликларда суғориладиган ерлардан фойдаланиш ёмонлашиб бормоқда, таннарх ошиб бораётир, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш планлари бажарилмаяпти. Ер фондидан ва уни яхши сақлаш устидан контрол бўшашиб кетган, суғориладиган ерларни талон-торож қилиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмаётир. Андижон, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Наманган областларида ва бошқа бир қатор областларда сут ва гўшт тайёрлашда яроқсиз практика таркиб топган.

Халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижроия комитетлари, аграр-саноат бирлашмалари хўжалик экономикасини, ҳосилдорликни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши рентабеллигини ошириш резервларини суст ўрганмоқдалар, барча колхоз ва совхозларнинг юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришишлари учун ҳаракат қилмаяптилар.

Халқ депутатлари Советлари уй-жой объектлари, коммунал ва социал-маиший объектлар қурилиши соҳасида турли идораларга бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини ҳали етарли даражада мувофиқлаштирмаётирлар, бу ҳол эса қишлоқлар, посёлкалар, районлар, шаҳарлар ва областларнинг нокомплекс ривожланишига сабаб бўлмоқда. Маънавий ва моддий рағбатлантириш ишида, моддий неъматларни тақсимлаш пайтида ҳамиша ҳам социал адолат принципига риоя қилинаяпти, деб бўлмайди. Кўпинча ошкоралик таъминланмаяпти, меҳнат коллективларининг роли пасайиб кетмоқда.

Кўпгина совет органлари аҳолига савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатишни қониқарсиз ташкил этмоқдалар. Транспорт, алоқа корхоналари ишида, уй-жой коммунал хўжалик соҳасида жиддий камчиликлар бор. Соғлиқни сақлаш органларининг, айниқса қишлоқ жойларда, иш самарадорлиги паст. Ҳамма жойда ҳам Советлар жиноятчиликка, порахўрликка, қўшиб ёзишларга, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши курашни кучайтириш учун ҳуқуқ-тартибот органларига нисбатан етарли даражада талабчан бўлмаяптилар.

Бир қатор халқ депутатлари Советлари майда буржуа психологиясига, мешчанликка, зарарли урф-одатлар ва расм-русумларга қарши ҳужумкорлик ўтини очмаганлар, диний хурофотларга муросасозлик билан қарамоқдалар.

Совет, давлат органлари, хўжалик ташкилотлари фаолиятида талабчанлик бўшаштириб юборилган, иш аҳволини танқидий нуқтаи назардан анализ қилиш ўрнига дабдабабозликка берилиб кетилган, раҳбарлик услубларида коллегиаллик принциплари бузилаётган фактлар, танқид учун қувғин қилиш ҳоллари мавжуд.

Ташкилий-оммавий ишларни жиддий яхшилаш керак. Советларнинг сессияларида кўпинча актуал масалалар муҳокама этилмайди, аниқ-конкрет қарорлар қабул қилинмайди. Сессияларда энг долзарб масалаларни ҳар томонлама ва ишчанлик руҳида ҳал этиш, танқид ва ўзўзини танқидни кучайтириш учун шароит яратилмаётир. Баъзи сессиялар пассивлик билан ўтади. Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари ўз қарорлари ва юқори органлар қабул қилган қарорларнинг ижросини суст контрол қиладилар. Депутатлар сўровидан ахён-ахёндагина фойдаланиляпти. Кўпгина ижроия комитетлар, доимий комиссиялар, депутатлар группаларининг фаолияти етарли даражада самарали эмас. Советлар фаолиятида ҳамиша ҳам сўз билан ишнинг бирлиги ҳақидаги партиявий принцип ўз аксини топмаяпти. Баъзан асосий эътибор ташкилотчилик ишига эмас, балки турли хил ҳужжатларни тузишга қаратилади. Гражданларнинг хатлари, таклиф ва мурожаатларига эътибор билан муносабатда бўлиш қоидага айланмаган. Сайловчиларнинг наказларини бажаришни ташкил этишга ҳамиша ҳам етарлича эътибор берилмаяпти. Депутатларнинг сайлов округларидаги ишини яхшилаш керак. Кўпгина ишлаб чиқариш ва территориал депутатлар группалари етарли активлик кўрсатмаяптилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг «Халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилинсин ҳамда Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг бутун амалий фаолияти учун асос қилиб олинсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари Советлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларига ва «Халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорга амал қилиб, ўз фаолиятининг услуби ва методларини қатъият билан такомиллаштириш, халқ хўжалигини интенсивлаш, давлат планларини бажариш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, хўжалик механизмини такомиллаштириш, иқтисод ва тежамкорликни кучайтириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқаришни кучларни, айниқса кичик шаҳарлар ва район марказларида ривожлантириш соҳасида Советларнинг роли ошишига мунтазам эришиб борсинлар.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш масаласини кўриб чиқди.

Мажлисда айтилдики, ҳозир 42 миллион йигит ва қизни бирлаштирган Ленин комсомоли совет жамиятининг сиёсий системасида муҳим ўрин эгаллаб турибди, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда, социалистик демократияни янада кучайтиришда, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда фаол қатнашмоқда. Коммунистик партиянинг ёшлар ҳаракатига раҳбарлиги комсомол шундай активлигининг энг биринчи шартидир, раҳбарлик форма ва методлари XXVI съезд, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари таъсирида янги мазмун билан тўлиб бормоқда, яхшиланмоқда ва бойимоқда.

Шу билан бирга ривожланган социализмни такомиллаштириш кўп ёқлама вазифалари, жаҳондаги икки система қарама-қаршилигининг кўчайиши комсомолга партия раҳбарлигини, ёш авлодни тарбиялаш бутун иши янада яхшиланишини тақозо этади. Комсомолга раҳбарликда ва комсомол ташкилотларининг фаолиятидаги мавжуд камчиликлар билан муроса қилиб бўлмади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ёш авлодни тарбиялашни янада яхшилашни энг муҳим партия, давлат ва умумхалқ иши деб, Ватанимиз келажагини пухта таъминлаш масаласи, деб қарамоқ лозимлигини таъкидлади. В. И. Ленин комсомолнинг III съездида сўзлаган нутқида коммунизмни ўрганмайлик, деб ёшларга қилган таритий васияти ҳозирги шароитда тобора кўпроқ актуаллик касб этмоқда. Партия ташкилотларининг бурчи йигит ва қизларни улуғ Ленинниинг ҳаёти ва фаолияти мисолида, партия билан халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари асосида коммунизмга ўргатишдан, ёшларга тўла ишонч билан қараб, айни маҳалда улардан талабчанликни ошириш, ёшларнинг социализм тарихий тақдири учун масъулиятини юксалтиришдан иборатдир.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг комсомолга раҳбарликни кучайтириш, ёшларни тарбиялашда комсомолнинг ролини ошириш масалалари юзасидан қарорлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш, партия ривожланган социализмни такомиллаштириш, деб белгилаган кўп ёқлама ишларга комсомолни янада активроқ жалб қилиш, ёшларни коммунизмга ишончсизлик, совет жамиятининг муносиб фуқаролари бўлиш руҳида тарбиялаш таклиф этилди.

ВЛКСМ Марказий Комитети, маҳаллий комсомол комитетлари хўжалик ва социал-маданий қурилиш планларини амалга оширишга комсомол ташкилотлари кўшадиган ҳиссани кўпайтиришлари, ёшларнинг куч-ғайратларини жамоат ишлаб чиқариши ва фан-техника тараққиётини интенсивлашнинг асосий йўналишларига жалб этишга даъват этилган дирлар. Ёшларни ғоявий-сиёсий ва маънавий тарбиялаш партия ва комсомол ташкилотларининг биринчи даражали муҳим ишидир. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми кўрсатмаларига амал қилиб, бу ишни кенг кўламда олиб бориш, ёшлар турли категорияларига хос хусусиятларни, ёшларнинг маълумот, хабардорлик даражасини, уларнинг қизиқиш ва майлларини назарда тутиш, ёш авлоднинг шахсияти вужудга келадиган ҳамма соҳаларни қамраб олиш, ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини муттасил кучайтириб бориш зарур. Ўқув юртлари ҳаётида, мактаб ислоҳотини амалга оширишда, пионер ташкилотига раҳбарлик қилишда комсомол ташкилотларининг аҳамияти бундан буён ҳам ўсиб бориши керак. Оилада ва мактабда, меҳнат коллективида, пионер ва комсомол ташкилотларида бутун таълим-тарбия вазияти коллективчилик, ғоявийлик, қарам бўлишликка, бепарволикка, бизга ёт идеология кўринишларига муросасизлик руҳи билан йўғрилган бўлиши, шахснинг ҳар томонлама камол топишига актив ёрдам бериши керак.

Коммунистик қурилишда ВЛКСМ ролининг ортиши, Сиёсий бюро кўрсатиб ўтганидек, комсомол ташкилий-сиёсий жиҳатдан янада мустаҳкамланишини, комсомол барча бўғинларининг, айниқса бошланғич комсомол ташкилотларининг жанговарлиги ва ижодкорлик характери кучайтирилишини тақозо этади. Иш услуби, шакли ва методларини, комсомол кадрларини танлаш ва тарбиялашни яхшилаб бориб, бу вазифани асосий масала қилиб қўймоқ лозим.

КПСС Марказий Комитетининг шу масала юзасидан қабул қилган қарори тексти матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси СССР Энергетика программасини ҳамда партия ва ҳукумат бошқа қарорлари амалга оширилиши устидан назорат тартибида министрлар Ф. С. Непорожний ва Е. П. Славскийларнинг атом энергетикаси қандай ривожлантирилаётганлиги ҳамда атом машинасозлиги илмий ва ишлаб чиқариш имкониятлари яратилганлиги тўғрисидаги докладларини тинглади. Сиёсий бюро шу муҳим ишда эришилган муваффақиятларни айтиб ўтиб, хўжалик раҳбарлари, маҳаллий партия ва совет органларининг диққат-эътиборини яқин фурсатда бартараф этиш зарур бўлган камчиликларга жалб этди. Конкрет тадбирлар белгилаб олинди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши совет энергетикасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида мамлакат атом электр станциялари тармоқларини янада самарали ривожлантириш ва уларнинг ишини яхшилашга имкон беради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси Ўртоқ К. У. Черненко Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Министрлар Кенгаши Раиси Кейсон Фомвихан билан қилган суҳбатни маъқуллади. Суҳбат чоғида партияларимиз ва мамлакатларимиз ўртасида қардошларча ҳамкорликнинг ҳамма томонларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари муҳокама қилинди.

Сиёсий бюро мажлисида Ўртоқ К. У. Черненконинг сандиночилар миллий-озодлик фронти Миллий раҳбарлигининг аъзоси, Никарагуа Миллий уйғониш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг координатори Д. Ортега билан учрашуви якунлари кўриб чиқилди. Никарагуа империалистик кучларнинг гегемончилик агрессив ҳаракатларига нисбатан мамлакат озодлиги ва мустақиллигини химоя этишга маҳкам бел боғлаганлигини Совет Иттифоқи доимо қўллаб-қувватлаётганлиги таъкидланди, регион проблемаларини адолатли асосда музокаралар олиб бориш йўли билан сиёсий жиҳатдан бартараф этиш муҳимлиги уқтириб ўтилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Франция Республикаси Президенти Ф. Миттеран мамлакатимизга қилган визити чоғида ўтказилган музокараларнинг якунлари тўғрисидаги ахборотни тинглади. Ўртоқ К. У. Черненко, шунингдек, А. А. Громико, Г. А. Алиев ўртоқлар, Совет Иттифоқининг бошқа давлат арбоблари Ф. Миттеран ва Франция делегациясининг аъзолари билан ўтказган музокаралар ва суҳбатлар катта аҳамиятга молик ташқи сиёсий иш бўлганлиги таъкидланди. Иккала томон интилган тақдирда визит якунлари ташқи сиёсий ҳамкорлик, иқтисодий алоқалар, илмий-техника ва маданий алоқалар соҳасида Совет—Франция муносабатларини анча кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун катта имкониятлар яратади. Бу нарса Европада ва бутун дунёда кескинликни юмшатиш сиёсатини янада кучайтириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашга шарт-шароит вужудга келтиради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг баъзи бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ягона сиёсий кун

Изланиш алгоритми

29 июнь куни Ўзбекистонда «Ҳар бир иш жойида уюшқоқликни оширайлик, интизомни кучайтирайлик» шиори остида навбатдаги ягона сиёсий кун ўтказилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, партия активи, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари омма ўртасида, завод ва фабрикаларнинг цехларида, дала шийпонларида, қурилиш майдончаларида, олий ўқув юртларининг аудиториялари ва мактаб синфларида, маҳалла клубларида одамлар билан суҳбат ўтказдилар, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатига доир актуал масалаларни тушунтириб бердилар, гражданларнинг кўпдан кўп саволларига жавоб қайтардилар. КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг қарорларида, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган вазифаларни амалга ошириш тўғрисида гап борди.

Давлат интизоми, партия ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, топширилган иш учун ҳар бир ходимнинг масъулиятини ошириш —булар учрашув қатнашчиларини тўлқинлантирган асосий проблемалар бўлди. Шу масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида, республика Олий Советининг ўнинчи сессиясида алоҳида куч билан ўртага қўйилди. Бевосита ва рўйи-рост суҳбатларда таъкидлаб ўтилганидек, пленум ва сессияда республика экономикаси ва маданиятига раҳбарликдаги камчиликлар чуқур партиявий принципиаллик асосида, ким бўлишидан қатъи назар дадиллик билан очиб ташланди, ҳамма жойда юксак гражданлик ва ўзаро талабчанлик, совет воқелигига ёт ҳолларга муросасизлик муҳитини вужудга келтириш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Ягона сиёсий кун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ХVI пленумининг қарорларини бутун халқ маъқуллаб қўллаб-қувватлаётганлигини, республика меҳнаткашлари ўзгармас ленинча йўлдан бориб, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашга, шу йилги ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли уддалашга, юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга азму қарор берганликларини намойиш этди.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ходимлари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар. И. Б. Усмонхўжаев В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг механизаторлари билан, О. У. Салимов агрегат заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари билан, Н. Ж. Худойбердиев «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи билан учрашдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ «УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети шуни қайд этадики, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси маъқуллаган «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари», бутун мамлакатимиз ҳаётида, республикамиз халқининг онгида ҳам умумхалқ тадбирига айланди ва ҳаётга ҳаётий маъқуллашда ва қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон халқининг ҳам катта давлат ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган ислоҳотни амалга ошириш соҳасида ҳар томонлама ишлаётгани ҳақида, планли иш авж олиб кетаётгани ҳақида гапириши табиий.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми қарорларини амалга оширишда республика партия ташкилотлари раҳбарлигида муайян ютуқларга эришдилар. Республика саноати беш ойлик планини муддатидан олдин бажарди, белгиланган ўсишдан ташқари 161 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайди. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш юзасидан катта ишлар қилинаётир.

Давлат, план интизомини тубдан мустаҳкамлаш талаб қилади. Беш йилликнинг уч йилида ва шу йилнинг беш ойи ичида республикадаги барча корхоналарнинг учдан бир қисмидан кўпроғи маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини ҳисобга олганда маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармади. Иш вақтининг бекор кетиши ва кадрлар қўнимсизлиги амалда камаймаётир. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасидаги камчиликлар сусткашлик билан бартараф этилаётир. Иш ҳақи фондининг бир сўми ҳисобига товар ишлаб чиқариш даражаси ҳамон паст.

Советлар капитал қурилишга қониқарсиз раҳбарлик қилмоқдалар. Капитал маблағлардан самарали фойдаланиш таъминланмаяпти, уй-жойлар, умумий таълим мактаблари, касалхоналар, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва бошқа социал-маиший муассасаларни фойдаланишга топшириш планлари тўла бажарилмаяпти. Объектларни чала ва сифати паст ҳолда фойдаланишга топширишдан иборат ярамас практика ёйила бошлаган. Ҳамма жойда планга киритилмаган иншоотлар кенг кўламда қуриб келинмоқда. Уларнинг кўплари ҳаддан ташқари хашамат билан барпо этилмоқда.

Аграр саноат комплексига раҳбарлик қилишда жиддий камчиликлар бор. Пахта толаси олиш камайиб кетмоқда, толанинг сифати яхшиланмаяпти. Кўпгина хўжаликларда суғориладиган ерлардан фойдаланиш ёмонлашиб бормоқда, таннарх ошиб бораётир, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш планлари бажарилмаяпти. Ер фондидан ва уни яхши сақлаш устидан контрол бўшашиб кетган, суғориладиган ерларни талон-торож қилиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмаётир. Андижон, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Наманган областларида ва бошқа бир қатор областларда сут ва гўшт тайёрлашда яроқсиз практика таркиб топган.

Халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижроия комитетлари, аграр-саноат бирлашмалари хўжалик экономикасини, ҳосилдорликни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши рентабеллигини ошириш резервларини суст ўрганмоқдалар, барча колхоз ва совхозларнинг юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришишлари учун ҳаракат қилмаяптилар.

Халқ депутатлари Советлари уй-жой объектлари, коммунал ва социал-маиший объектлар қурилиши соҳасида турли идораларга бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини ҳали етарли даражада мувофиқлаштирмаётирлар, бу ҳол эса қишлоқлар, посёлкалар, районлар, шаҳарлар ва областларнинг нокомплекс ривожланишига сабаб бўлмоқда. Маънавий ва моддий рағбатлантириш ишида, моддий неъматларни тақсимлаш пайтида ҳамиша ҳам социал адолат принципига риоя қилинаяпти, деб бўлмайди. Кўпинча ошкоралик таъминланмаяпти, меҳнат коллективларининг роли пасайиб кетмоқда.

Кўпгина совет органлари аҳолига савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатишни қониқарсиз ташкил этмоқдалар. Транспорт, алоқа корхоналари ишида, уй-жой коммунал хўжалик соҳасида жиддий камчиликлар бор. Соғлиқни сақлаш органларининг, айниқса қишлоқ жойларда, иш самарадорлиги паст. Ҳамма жойда ҳам Советлар жиноятчиликка, порахўрликка, қўшиб ёзишларга, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши курашни кучайтириш учун ҳуқуқ-тартибот органларига нисбатан етарли даражада талабчан бўлмаяптилар.

Бир қатор халқ депутатлари Советлари майда буржуа психологиясига, мешчанликка, зарарли урф-одатлар ва расм-русумларга қарши ҳужумкорлик ўтини очмаганлар, диний хурофотларга муросасозлик билан қарамоқдалар.

Совет, давлат органлари, хўжалик ташкилотлари фаолиятида талабчанлик бўшаштириб юборилган, иш аҳволини танқидий нуқтаи назардан анализ қилиш ўрнига дабдабабозликка берилиб кетилган, раҳбарлик услубларида коллегиаллик принциплари бузилаётган фактлар, танқид учун қувғин қилиш ҳоллари мавжуд.

Ташкилий-оммавий ишларни жиддий яхшилаш керак. Советларнинг сессияларида кўпинча актуал масалалар муҳокама этилмайди, аниқ-конкрет қарорлар қабул қилинмайди. Сессияларда энг долзарб масалаларни ҳар томонлама ва ишчанлик руҳида ҳал этиш, танқид ва ўзўзини танқидни кучайтириш учун шароит яратилмаётир. Баъзи сессиялар пассивлик билан ўтади. Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари ўз қарорлари ва юқори органлар қабул қилган қарорларнинг ижросини суст контрол қиладилар. Депутатлар сўровидан ахён-ахёндагина фойдаланиляпти. Кўпгина ижроия комитетлар, доимий комиссиялар, депутатлар группаларининг фаолияти етарли даражада самарали эмас. Советлар фаолиятида ҳамиша ҳам сўз билан ишнинг бирлиги ҳақидаги партиявий принцип ўз аксини топмаяпти. Баъзан асосий эътибор ташкилотчилик ишига эмас, балки турли хил ҳужжатларни тузишга қаратилади. Гражданларнинг хатлари, таклиф ва мурожаатларига эътибор билан муносабатда бўлиш қоидага айланмаган. Сайловчиларнинг наказларини бажаришни ташкил этишга ҳамиша ҳам етарлича эътибор берилмаяпти. Депутатларнинг сайлов округларидаги ишини яхшилаш керак. Кўпгина ишлаб чиқариш ва территориал депутатлар группалари етарли активлик кўрсатмаяптилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг қарорлари, «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари», КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумдаги нутқида баён этилган қоида ва хулосалар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарори оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, республика министрликлари ва идоралари зиммасига «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»ни амалга ошириш борасида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кенг ёвж олдириш вазифаси юклатилсин.

Таълим-тарбия ишларини, мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг меҳнат таълимини такомиллаштириш юзасидан бир қатор тадбирлар кўзда тутилсин.

Ҳар бир мактаб ва ҳунар-техника билим юртига базавий корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, колхозлар ва совхозлар бириктириб қўйилсин.

Халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими муассасаларини ҳамда ташкилотларининг, айниқса қишлоқда, моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, мактабгача тарбия болалар муассасаларини қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш юзасидан давлат план топшириқларини сўзсиз бажарилишига эришиш, бу муассасаларнинг ускуналар, мебеллар, инвентарлар, техника, автотранспорт ва моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш таъминлансин.

3. Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советларига ягона меҳнат, политехника мактаби ленинча принципларини изчиллик билан амалга ошириш, таълим-тарбия ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш вазифаси топширилсин. Ўрта умумий таълим мактабини ҳамма ерда ўн бир йиллик таълимга ўтказишга, шунингдек болаларни олти ёшдан бошлаб ўқитишга киришиш белгиланган муддатларда амалга оширилсин. Мактаблар, ҳунар-техника билим юртларини зарур ўқитувчи ва бошқа кадрлар билан таъминлаш кўзда тутилсин.

(Давоми иккинчи бетда).

монгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 28 июнь куни Москвадаги дипломатик корпус оқсоқоли, Болгария Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Д. Жулевни қабул қилди. Д. Жулев КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненкога СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига сайланганлиги муносабати билан Совет Иттифоқидаги элчилар номидан қутловлар топширди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Ю. П. МАКСИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Қуролли Кучлари сафида кўп йил, самарали хизмат қилганлиги, республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони ўртоқ Юрий Павлович Максимов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил 27 июнь.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1984 ЙИЛ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИНИНГ «ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИ ИШИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЩ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ НУТҚЛАРИДА БАЁН ЭТИЛГАН ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР ВА ТАВСИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Советларнинг энг муҳим вазифаси ўзларига қарашли территориянинг иқтисодий ва социал жиҳатдан комплекс ривожланишини таъминлашдан, Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга область, район, қишлоқ қўшаётган ҳиссани, биринчи навбатда пахта, дон ва ем-хашак, сабзавот, мева, гўшт, сут, тухум етиштиришга қўшаётган ҳиссани ошириб боришдан иборат, деб ҳисобласин. Меҳнат унумдорлигининг пландан ташқари 1 процент ошишига ва маҳсулот таннархининг қўшимча суратда 0,5 процент камайишига эришилсин. Меҳнат коллективлари, барча меҳнаткашлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга, энг аввало 6 миллион тонна пахта етиштириб, давлатга сотишга, саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг 6 процент ўсишини, ишга тушириладиган барча объектларнинг фойдаланишга топширилишини таъминлашга сафарбар этилсин.

3. Меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжлари янада тўлароқ қондирилишига, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш яхшиланишига, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайтирилиши ва сифати яхшиланишига, уйжой ва социал, маданий-маиший объектлар қуриш планлари бажарилишига, аҳолига савдо, маиший, коммунал, медицина хизмати кўрсатиш бутун чоралар билан яхшиланишига оғишмай эришиб борилсин.

4. Аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ва маданий-оммавий ишлар такомиллаштирилсин, ҳар бир меҳнаткаш актив ҳаётий позицияни эгаллашига эришилсин. Атеистик пропаганданинг таъсирчанлиги оширилсин, янги одат ва маросимлар кенгроқ жорий этилсин. Салбий ҳодисаларга, интизомсиз, социалистик турмуш қоидалари ва нормаларини бузишга қарши қатъий кураш олиб борилсин.

5. Моддий неъматларни тақсимлаш ҳамда ҳалол, виждонан қилинган меҳнатни рағбатлантириш соҳасидаги кундалик ишларда социал адолат принципларига тўлатўкис амал қилинсин. Бу соҳадаги зарбдорларнинг сафини кенгайтириш учун маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг ҳамма формаларидан фойдаланилсин. Мукофотлари, квартираларни, бошқа хил ижтимоий истеъмол фондларини тақсимлаш масалаларини ҳал қилишда ғоят кенг ошкоралик бўлиши таъминлансин.

6. Бошқарув органлари ва хўжалик раҳбарларининг ишини, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини контрол қилишнинг таъсирчанлиги оширилсин. Депутатлар сўровидан кенг фойдаланиладиган бўлсин. Сайловчилар наказларини, меҳнаткашлар таклифларини бажаришга кўпроқ эътибор берилсин. Маъмурий аппарат структураси тақсимлаштирилсин, Совет ҳокимияти қонунларининг нуфузи оширилсин.

7. Советларнинг сессияларини, ижроия комитетлар ва доимий комиссияларнинг маклисларини тайёрлаш ва ўтказиш практикаси қатъият билан яхшилаб борилсин, уларнинг имкониятларидан экономикани ривожлантиришни жадаллаштириш, камчиликларни танқид қилиш, асосланган конкрет қарорлар қабул қилиш учун тўлароқ фойдаланилсин. Асосий эътибор меҳнат коллективларида жонли ташкилотчилик ишларини олиб боришга, омманинг ташаббуси ва ижодини қўллаб-қувватлашга қаратилсин. Расмиятчилик, бюрократизм, қоғозбозлик, сансалорликка барҳам берилсин. Советларнинг аҳоли билан алоқалари мустаҳкамлансин. Ғоят муҳим қарор лойиҳалари меҳнат коллективларида ва гражданларнинг истиқомат жойларида муҳокама қилинсин. Депутатларнинг сайловчилар олдида, ижроия комитетларнинг эса аҳоли олдида ҳисобот бериш практикаси такомиллаштириб борилсин. Аҳолининг ташаббускор жамоат органлари иши активлаштирилсин. Советлар ишида ошкоралик кучайтирилсин, Советлар ва уларнинг органлари амалга ошираётган ишлар тўғрисида аҳолига кенг кўламда ахборот бериб турилсин.

8. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми зиммасига Олий Совет доимий комиссияларини фаолиятини уйғунлаштиришни яхшилаш ва улар ишининг самарадорлигини ошириш, халқ депутатлари маҳаллий Советларига раҳбарликнинг янада такомиллашувини, давлат, хўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ҳал қилишда уларнинг роли ошишини таъминлаш, маҳаллий Советлар тўплаган ижобий тажрибани умумлаштириш ва кенг ёйиш вазифаси юклатилсин.

9. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Советлар ижроия комитетларининг хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилиш самарадорлигини ошириш учун бўлган масъулиятини кучайтириш, бошқарув аппаратининг иш услуби ва методларини муттасил такомиллаштириб бориш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ишонч билдиради, халқ депутатлари Советлари республика партия ташкилоти раҳбарлигида КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми, СССР Олий Советининг биринчи сессияси қарорларини, ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқларини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳамма ишларни қиладилар ва ўн биринчи беш йиллик топшириқларини, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга салмоқли ҳисса қўшадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил 28 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ «УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБЛАРИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

(Боши биринчи бетда).

Мактаб ўқувчиларининг меҳнат тарбияси, таълими ва касб танлаши тубдан яхшилансин, уларда меҳнатга онгли эҳтиёж шакллантирилсин, бунинг учун мавжуд бўлган барча форма ва воситалардан, бой ижобий тажрибадан, мактабларароро ўқувишлаб чиқариш комбинатлари, корхоналарнинг цехлари ва участкалари имкониятларидан фойдаланилсин.

Болаларнинг мактабгача жамоат тарбияси янада ривожлантирилишига, болалар боғчаларининг болаларни мактабга тайёрлаш соҳасидаги иш самарадорлиги ва сифати муттасил ва изчил равишда оширилишига эришилсин.

4. Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети, республика министрликлари ва идоралари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари зиммасига малакали ишчи кадрлар тайёрлашнинг асосий формаси бўлган ҳунар-техника таълимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни, таълимнинг унумли меҳнат билан чуқур ва тўла-тўкис қўшиб олиб борилишини таъминлаш юклатилсин.

Министрликлар, идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари раҳбарларининг ҳунар-техника билим юртлари моддий-техника базасини яхшилаш, ишчи кадрлар тайёрлаш, базавий корхоналарнинг ёш ишчиларга иш ўргатиш, уларни тарбиялаш ва уларнинг ишлаб чиқаришда муқим ўрнашиб қолиши соҳасида конкрет ва амалий иштирок этишдан иборат бурчлари ҳамда вазифаларини тўла-тўкис ва ҳеч сўзсиз бажаришлари учун бўлган масъулияти оширилсин. Бу ўқув юртлари ўз вақтида, зарур янги техника билан қуроллантирилсин, уларга ер участкалари ажратиб берилсин.

5. Ўзбекистон ССР Госплани, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети, республика министрликлари ва идоралари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари ҳар бир ихтисос бўйича ўқитувчилар ва муаллимлар билан қандай таъминланганлигини ўрганиб чиқсинлар. Уларни тайёрлаш, тақсимлаш ҳамда халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими системасидаги ўқув юртларида улардан тўғри фойдаланиш таъминлансин.

6. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетига ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бўлган республика министрликлари ва идораларига педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини кескин яхшилаш, ёшларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишини кенгайтириш, бўлажак мутахассисларни КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми ҳамда «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» талабларини ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш вазифаси топширилсин.

Ўқитувчилар ва муаллимларнинг эҳтиёжларини қондириш тўғрисида муттасил эътибор ва ғамхўрлик қилинсин, улар кўзда тутилган имтиёзлар билан таъминлансин, уларга зарур моддий, меҳнат, уй-жой, маиший шароитлар яратиб берилсин.

7. Халқ депутатлари маҳаллий Советларига ислоҳотни рўёбга чиқаришнинг конкрет планларини ишлаб чиқиб, сессияларда тасдиқлаш, халқ маорифини ривожлантиришга раҳбарлик қилиш борасидаги ўз ҳуқуқлари ва ваколатларидан тўлароқ фойдаланиш, умумий таълим ва ҳунар мактаби олдида турган муҳим вазифаларга диққат-эътибор билан қараш топширилсин.

Ота-оналар, оила, мактаб, меҳнат коллективлари, барча манфаатдор муассасалар ва ташкилотларнинг болалар ва ўсмирлар билан тарбиявий иш олиб бориш соҳасидаги куч-ғайратларини бирлаштириш чоралари кўрилсин.

8. Республикада умумий таълим мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари, ҳунар-техника билим юртлари ва бошқа халқ маорифи объектлари қуриш бўйича шу йилнинг беш ойлик планларини бажаришда қолоқликка йўл қўйилаётганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Халқ маорифи министрлиги, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги олий ўқув юртлари ректорлари, Қорақалпоғистон Министрлар Совети ва Тошкент шаҳар комитетларидан, министрликлар ва идоралар капитал қурилишу муҳим соҳаларни ва бош инсонларни планлари хеч сўзсиз ва белгиланган ўлароқ бажарилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон ССР Халқ Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ҳисоботларини муҳокама этишда депутатлар ва бошқа ҳамда ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

● Озгина бўлса ҳам яхшилик қилган одам, ундан неча баробар кўпроқ яхшилик кўради. Ёмонлик қилган одам эса, тезда жазога дучор бўлади-да, қайғу-алам ўтида ёнади.

● Риёкор, мунофиқ одамлар чин кўнгилдан эмас, тилларидагина сўзлайдилар. Уларнинг сўзларига, берган ваъдаларига ишонган одам алданади.

● Бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсангиз, ҳеч ёнингизни очиқ юзли, ширин сўзли, хушмомалали одамга арз этинг. Қўпол сўзли, бадқовоқ кишига арз қилсангиз, у одам сизнинг ҳожатингизни вайрон қилишдан бошқани билмайди.

● Энг маъқул яхшиликлардан бири дўстлар ва мажлисдошларни хурсанд қилишдир.

● Фақат одамларгагина эмас, ҳайвонлар ва паррандаларга ҳам озор бермай, уларга меҳр-шафқат қилиш лозим. Одобли, тарбияли одам бу инсоний вазифани ҳам унутмайди.

● Алишер Навоий айтадилар:

Фил бўлса агар ҳасминг[1], десанг зарар тортмай,

Бир пашшага оламда етгизма зарар ҳаргиз.

● Шоҳ Машраб айтадилар:

Гар кўлингдан келса ҳаргиз мурчани[2] оғритмагил.

● Жалолиддин Румий айтадилар:

– Гўзал хулқ-атвор қалбларда бўлган гина ва адоватларни битириб, улар ўрнига меҳру шафқат уруғларини сочади. Ярамас хулқ-атвор эса, меҳр-муҳаббатни барбод этади.

● Шайх Саъдий айтадилар:

– Қаҳру-газабли, қўпол муомалали одамдан халқ нафратланади. Вақтсиз эҳсон жиддийлик, улуғворликни йўқотади. Қўполлик сизни бирга ортиқ даражада мулойим ҳам бўлишингизнинг ҳам ўз режаси бор. Агар ортиқ даражада мулойим бўлсанг, баъзи одамлар, тарбиясиз одамлар устингга чиқиб кетади. Ёмон хулқли одам бир ёвуз душман бўлишдан асирдирки, қайси ерга борса у душманнинг берган азоб-кулфатидан қутулмайди.

● Абдураҳмон Жомий айтадилар:

– Соғ-саломатлик, яхши маишат, самимий дўст ва меҳрибон хотинга эга бўлган одам ўзини тинч ва фароғатда ўтказади. Шундай бахтиёрликка етиш учун ғайрат қилиш лозимдир.

● Олимлардан Абу Бакр ибн Абдуллоҳ айтадилар:

– Ҳасад бировнинг иззат-обрўсини ва фаровонлигини кўролмай кўз олайтириб, у билан одамга зиён етказиш пайида бўлишдир. Ҳасад одам ёндириб кул қилгани каби, ҳасад ҳам амални йўқ қилади. Ҳеч бир қайғу-алам ҳасад бағишлаган қайғу-аламдан юқори бўлиб олмайди. Ҳасадчи доимо андиша, қайғу-алам ўтида куяди.

Бировнинг бахт-саодатини кўролмай, унга зиён етказиш ғамида ҳамиша қайғу-ҳасратда умр ўтказиш энг зўр ақлсизлик, маъносизликдир.

Байт:

Гар десанг умримда ғамгин бўлмайин,
Қилма ҳеч кимга ҳасад ҳам тутма қийин.

Ҳикоят: — Гўзал ахлоқли, доимо хайрихсон қилишга, ҳожатмандларнинг ҳожатларини чиқаришга интилган ҳукмдорлардан бири Ҳалфар ибн Сулаймондир. Тарих бу шафқатли ҳукмдорни кўп таъриф ва тавсиф қилади.

Кунлардан бир кун сарой хизматчиларидан бири ҳукмдор Жаъфарнинг қимматбаҳо ғалвираларидан бирини ўғирлаб, бир савдогарга юз минг олтинга сотди. Ғавҳарни ким олганини қидириб, ниҳоят уни бир савдогарнинг кўлидан кўрдилар. Дарҳол уни савдогарнинг кўлидан олдилар. Савдогарнинг ўзини ҳам Жаъфар ҳузурига келтирдилар. Жаъфар ҳузурида ўтирганлар орасида ғавҳарни ўғирлаб сотган хизматчи ҳам бор эди. Савдогардан: «Ғавҳарни кимдан олдинг?»— деб сўраган эдилар, савдогар: «Минг олтинга мана шу одамдан сотиб олдим»— деб ғавҳарни сотган хизматчини кўрсатди.

Ўғри хизматчи жуда ҳаяжонланиб, титраб-қақшаб ранг-рўйи оқарди. Бир жазога гирифтор бўлишини ўйлаб ҳушидан кетаёзди. Жаъфар савдогарга минг олтинни бериб, уни чиқариб юборди. Кейин қўлига ғавҳарни олиб, ҳаяжонланиб турган ўғри хизматчини ёнига чақириб олди. Қўлидаги ғавҳарни унинг қўлига бериб: «Бу ғавҳарни илгари эсдалик учун сенга ҳадя қилган эдим. Маишатдан қийналган бўлсанг керак, арзон баҳода савдогарга сотибсан. Энди ўзингда сақла, асло сота кўрма. Маишатдан қийналсанг, менга айт, ҳеч ҳазрам бераман»,— деди, яна лутф-эҳсон қилиб унинг кўнглини кўтарди. Хизматчи йиғлаб, кечирим сўради.

Байт:

Мардларнинг ишларин андиша қил
то тиркисан яхши ишни пеша қил.

● Шоир Низомий айтадилар:

Йигитликда яхшидир шарму-ҳаё,
Ки одоб бирла ўзни қилғил пано.
Агар кирса ким яхшилар силкига
Олибдир саодатни ўз илгига.

● Шоир Ҳижрон айтадилар:

Асл билсанг руҳи жондир тарбият
Жавҳари ер, осмондир тарбият.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

1. Хасм — душман.
2. Мурча — чумоли.

● ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

АСОСИЙ МАВЗУ — ЗАМОНАВИЙЛИК

Эртага Узбекистон пойтахтида ўз гастролларини бошлайдиган Свердловск академик драма театри мамлакатимизнинг жуда кўп шаҳарларида ўз санъатини намойиш этган. Театр ижодий коллективи Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси нинг 60 йиллигига бағишланган ижодий сафарига ҳам катта тайёргарлик билан келди.





Театрларнинг ижодий сафарлари ҳамиша ҳаяжонли ва масъулиятлидир. Негаки, томошабинлар билан бўладиган ҳар бир учрашув ўзига хос ижодий ҳисобот тусини олади. Меҳнат Қизил Байроқ орденли театримиз санъаткорлари Тошкентдаги гастролари учун репертуариимиздаги энг яхши асарларни танладилар.

Свердловск ишчилар шаҳри. Шу боисдан ҳам меҳнат мавзуси театр репертуарида алоҳида ўрин тутади. Айни пайтда ижодий коллективимиз бугунги куннинг энг долзарб проблемаларига ҳам катта эътибор беряпти.

Г. Бокаревнинг машҳур «Пўлат қуювчилар» пьесасини сахналаштирганимиздан сўнг унинг автори билан ижодий ҳамкорлик давом эттирилди. Драматургнинг «Деярли бахтли кун» ва «Ҳафтанинг охири» каби спектакллари сахналаштирилди. Уларда замонавий ишлаб чиқариш муаммолари кўтарилган.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб сахналаштирилган БАМ қурувчилари ҳақида ҳикоя қилувчи «Магелланлар» спектакли Москвадаги Бадиий академик театр сахнасида намойиш этилгач, СССР маданият министрлиги, «Драматургия ва театрда замонавий ишчи образи» мавзусидаги Бутунроссия фестивалининг дипломи ва мукофотлари билан тақдирланди. Театр репертуарида замонавий мавзудаги асарлар талайгина. Шунинг учун ҳам москвалик танқидчилардан бири спектакларим и з н и маънавият сабоқлари, деб атаган эди. Бу бежиз эмас. Чиндан ҳам биз бугун сахналаштираётган ҳар бир асарда томошабинларни ўйлантираётган муҳим масалаларни қамраб олишга ҳаракат қиляпмиз. В. Распутиннинг «Сўнгги муддат», Н. Павлованинг «Йилнинг бешинчи фасли», А. Арбузовнинг «Ғолиб», В. Перуанскийнинг «Кикимора» каби жиддий ижтимоий муаммоларга бағишланган, инсоннинг жамият олдидаги масъулияти тўғрисида ҳикоя қилувчи асарларни сахналаштирдик. Театр репертуарида чет эл драматургларининг ҳам асарлари бор. Испан драматурги А. Касоннинг «Ёввойи» спектакли ёшлиги юксак тоғларда кечган ёш йигитнинг романтик муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади. Унда буржуа жамияти қонунларини тан олмаган, устомонлар ва риёкорлар билан курашишга интилган йигитнинг ишқий саргузаштлари тасвирланган. Бу асар Свердловск томошабинларига манзур бўлди.

Бир пайтлар Франция театр мавсумининг энг яхши комедияларидан ҳисобланган Ивэ Жамиакнинг «Жаноб Амилькар» пьесаси ҳам буржуа жамиятининг маънавий инқирозларини ҳажв этади.

Театр репертуарида жанрлар ранг-баранглигига ҳам эътибор бериляпти. Сатирик комедия, драма ва замонавий афсона, ажойиб тарих ва лирик қиссалар шулар жумласидандир.

Тошкентлик р о л л а р РСФСР халқ артисти, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. И. Анисимов театримизга раҳбарлик қилган йилларда сахналаштирган асарлар, шунингдек театрнинг бош режиссёри, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. А. Попов, театрнинг бош рассоми В. Григорьев, рассом В. Кравцевлар ижодий ҳамкорлигида сахнага қўйилган кўпгина асарлар билан танишадилар.

Театримизнинг ёш ижодкорлари сахна усталарининг ижодий маҳоратини, тажрибасини, улар яратган яхши анъаналарни давом эттиришмоқда.

Тошкентлик томошабинлар улар ижросидаги ранг-баранг сахна асарлари билан танишишга муваффақ бўладилар. Ишончимиз комилки, биринчи бор тошкентлик томошабинлар ҳузуридa ўтадиган гастролимиз ажойиб учрашувларга бой бўлади.

З. ЧЕРТКОВА,
Свердловск академик драма театри директори, РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

СУРАТЛ А Р Д А:
Свердловск академик театри спектакллари-дан саҳналар.

ШАНБА ОҚШОМИ

● *Уй-рўзғор ташвишида*

САРАНЖОМ – САРИШТА БЎЛИНГ

Уй-рўзғорда саранжом-сариштalик, орасталик яхши кайфият бағишлайди, ишқирчиқир юмушлар осон битадиган бўлади. Бунинг учун аёл киши қуйидаги омилларни амалга оширса бас:

● Ошхонангизни доим тартибли, озода ва сариштa тутинг. Овқат тайёрлашга керакли ҳамма асбоблар жой-жойида бут ва тоза сақлансин.

● Газ плитасини кун ора тозалаб туринг, шунда қора чирк босиб кетмайди, кейинчалик тозалашга қийналмайсиз.

● Раковинага чой шамаси, ёғ қолдиғи каби нарсаларни ташламанг.

● Холодильникни ҳар ўн беш кунда (иложи бўлса ҳафтада бир марта) тозалаб туринг.

● Оила аъзоларининг кийимлари кир тахлоғида алоҳида-алоҳида турсин.

● Ёш болаларнинг кийимларини алоҳида жойда сақланг, бу санитария-гигиена жиҳатидан яхши бўлади.

● Бичиш-тикиш учун керакли ҳар хил рангдаги ипларни, ниналарни алоҳида қутичада, ёш болалар ололмайдиган жойда сақланг.

● Тушиб қолган ёки ҳозирча керак бўлмаган ҳар хил тугмача ва тўғноғичларни махсус идишга солиб қўйинг, вақти келганда асқотиб қолади.

● Пойафзалларни мойлайдиган бўёқлар, чўткалар ва жило берадиган духоба парчаларини маълум бир чеккага қўйинг.

● Уйингиз остонасига доим оёқ артиб кирадиган шолча ёки наматча солиб, уни намлаб қўйинг, оёқ кийимлари кираверишда тартибли турсин.

● Пардоз-андоз буюмларингиз ваннада, иш столингизда, шкафларда ёйилиб ётмасин. Уларни трюмо тортмасида ёки ҳоли жойда чанг тушмайдиган қилиб сақланг.



Белоруссия ССРнинг Гомель станоксозлик заводи ўтган йили 2,5 миллион сўмлик халқ истеъмол буюмлари тайёрлаган эди. Бу йил эса корхонада планга қўшимча 80 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

СУРАТДА: завод ишчиларидан А. Блюмина, Л. Кучмина ва В. Бугровалар корхонанинг янги маҳсулотни—аёллар зонтикларини намойиш қилишмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

КОИНОТ СИРЛАРИ

ИЮЛЬ ОСМОНИ

Июль ойида коинот гўзали — Сомон йўли шимолдан жанубга юлдузларини сочиб жойлашади ва эрталабгача кўринади. Грекларнинг «Ғолиб», Перуанскийнинг «Кикимора» каби жиддий ижтимоий муаммоларга бағишланган, инсоннинг жамият олдидаги масъулияти тўғрисида ҳикоя қилувчи асарларни сахналаштирдик. Театр репертуарида чет эл драматургларининг ҳам асарлари бор. Испан драматурги А. Касоннинг «Ёввойи» спектакли ёшлиги юксак тоғларда кечган ёш йигитнинг романтик муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади. Унда буржуа жамияти қонунларини тан олмаган, устомонлар ва риёкорлар билан курашишга интилган йигитнинг ишқий саргузаштлари тасвирланган. Бу асар Свердловск томошабинларига манзур бўлди.

Бир пайтлар Франция театр мавсумининг энг яхши комедияларидан ҳисобланган Ивэ Жамиакнинг «Жаноб Амилькар» пьесаси ҳам буржуа жамиятининг маънавий инқирозларини ҳажв этади.

Театр репертуарида жанрлар ранг-баранглигига ҳам эътибор бериляпти. Сатирик комедия, драма ва замонавий афсона, ажойиб тарих ва лирик қиссалар шулар жумласидандир.

Тошкентлик р о л л а р РСФСР халқ артисти, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. И. Анисимов театримизга раҳбарлик қилган йилларда сахналаштирган асарлар, шунингдек театрнинг бош режиссёри, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. А. Попов, театрнинг бош рассоми В. Григорьев, рассом В. Кравцевлар ижодий ҳамкорлигида сахнага қўйилган кўпгина асарлар билан танишадилар.

Театримизнинг ёш ижодкорлари сахна усталарининг ижодий маҳоратини, тажрибасини, улар яратган яхши анъаналарни давом эттиришмоқда.

Тошкентлик томошабинлар улар ижросидаги ранг-баранг сахна асарлари билан танишишга муваффақ бўладилар. Ишончимиз комилки, биринчи бор тошкентлик томошабинлар ҳузуридa ўтадиган гастролимиз ажойиб учрашувларга бой бўлади.

З. ЧЕРТКОВА,
Свердловск академик драма театри директори, РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

СУРАТЛ А Р Д А:
Свердловск академик театри спектакллари-дан саҳналар.

ШАХМАТ ЮЛДУЗЛАРИ

Унинг шиори — ҳужум



(Людмила Руденко 1950 йилдан 1953 йилга қадар жаҳон шахмат тожини қўлда сақлаб турган аёллар ўртасида иккинчи жаҳон чемпионидир).

40-йилларнинг ўрталарига келиб шахмат олами ўз чемпионларидан ажралди. 1940 йилда Лондондаги бомбардимон пайтида Вера Менчик ҳалок бўлди, 1946 йилда Лиссабонда Александр Алёхин вафот этди.

Уруш туфайли тўхтаб қолган жаҳон биринчилиги мусобақалари 1948 йилда қайта тикланди. Совет делегациясининг ташаббуси туфайли жаҳон шахмат федерацияси [ФИДЕ] объектив спорт талаблари асосида саралаб олишни йўлга қўйди. Шу боисдан ҳам ФИДЕнинг обрўси янада ортди. жаҳон чемпиони унвони янада шарафли бўлиб қолди.

А. Алёхиннинг вафотидан кейин чемпион жаҳондаги энг кучли беш гроссмейстер турнирида аниқландм. Бу турнирлар 1948 йилда Гаага ва Москвада бўлди. Аёллар ўртасида эса энг кучли шахматчилар турнирини ўтказиш ва бу турнир ғолибини иккинчи жаҳон чемпиони деб эълон қилишга қарор қилинди.

1949 йилнинг 19 декабрида Москвада турли мамлакатлардан келган энг кучли 16 шахматчи иштирокида жаҳон шахсий биринчилиги баҳслари бошланди. Турнир СССР вакилларининг ёркин ғалабаси билан якунланди. Дастлабки тўрт ўринни вакилларимиз эгаллашди. 15 иккинчи тур натижасида 11,5 очко тўплаган Людмила Руденко, 10,5 очко тўплаган Олга Рубцова ва 10 тадан очко тўплаган Валентина Борисенко [Белова], Елизавета Бикова шулар жумласидан эди, Турнир ғолиби Людмила Руденко орадан бир йил ўтгач, яъни, 1950 йилнинг 19 январида иккинчи жаҳон чемпионн деб эълон қилинди.

Айтгандай, ана шу жаҳон биринчилиги учун ўтказилган тарихий турнирнинг учинчи совриндори Валентина Михайловна Борисенко ўн саккиз йилдан буён Тошкентда яшамоқда. У ўзининг юксак унвонларни [Ленинград шаҳрининг етти марта чемпиони, тўрт марта РСФСР чемпиони, беш марта СССР чемпиони] сафига Узбекистоннинг етти марта чемпиони унвонини ҳам қўшишга муяссар бўлди. 1978 йилда унга аёллар ўртасида халқаро гроссмейстер унвони берилди.

Иккинчи жаҳон чемпиони Людмила Владимировна Руденко 1904 йил 27 июлда Лубин шаҳрида туғилган. Ўн ёшида шахмат ўйнашни ўрганган. Биринчи устози отаси бўлган. Л. Руденко 1926 йилда ўтказилган турнирда иштирок этган, биринчи СССР чемпионатида қатнашган. Бу чемпионат 1927 йилда Москвада ўтказилган эди. Л. Руденко турнирда фахрли бешинчи ўринни эгаллади. Шундан кейин мамлакат барча биринчиликларида муваффақиятли қатнашди. 1950 йилда СССР чемпиони унвонини қўлга киритди.

Л. Руденко СССР, ВЦСПС биринчиликлари, СССР — Буюк Британия [1946 йил], Ленинград — Будапешт [1957 йил], СССР— Чехословакия халқаро матчларида ҳам муваффақиятли қатнашди. У жуда кўп юқори даражадаги мусобақаларнинг бош судьяси ва судьялар коллегиясининг аъзоси бўлган. Жамоат ишларида актив қатнашиб шахматни пропаганда қилишга катта ҳисса қўшмоқда, бой тажрибасини ёшларга қунт билан ўргатмоқда. 1955 йилги Узбекистон чемпионатн ва 1956 йилги Украина чемпионатн Л. Руденконинг ғалабаси билан якунландм. Бу чемпионатларда у конкурсдан ташқари иштирок этган эди. Унинг ўйин услуби энг аввало ҳужумкорлик, чиройли комбинациялар ишлатиш, фойдали қурбон бериш билан ажралиб турадн.

1950 йилдан буён СССР ва халқаро спорт мастери, 1953 йилдан СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, 1976 йилдан халқаро гроссмейстер, иккинчи жаҳон чемпиони Людмила Руденко «Ҳурмат Белгиси» орденн билан мукофотланган. Ҳозир у Ленинградда яшаяпти. Бир ойдан кейин қутлуғ 80 ёшини нишонлайди.

СССР спорт мастери М. МУҲИДДИНОВ тайёрлаган.

Клуб Советининг ранси гроссмейстер Георгий АЪЗАМОВ.

Бу — қизиқ

«БАХТЛИ» ТАСОДИФ

Англиянинг Морпет шаҳри [Нортумберленд графлиги] яқинидаги темирйўл магистрал участкасида катта бир авария рўй берди. «Абердин-Лондон» пассажир экспресс поезди Морбет яқинидаги бурилишдан ўтаётиб тўсатдан изидан чиқиб кетди. Поезд йўл атрофидаги далага чиқиб, иккита уйга бориб урилди ва ағдарилиб кетди. Кўпгина пассажирлар жароҳатланди, бахтли бир тасодиф туфайли ҳеч ким ҳалок бўлмади.

НОН ВА ҚОН

МАҚАЛ

Бир куни Қон Нонни мулзам қилмоқчи бўлиб, деди:

Иккимизнинг орамизда қандай улуғ тафовут бор-а! Сен янги бўлсанг ҳамиша иззатдасан, эскиб қолсанг хорлик ва мазаллатдасан. Мени қара, доимо иззатдаман, чунки одамлар учун кеча-кундуз хизматдаман. Бордию бирор жойда нуқсонга учраб, оёгимнинг бармоғидан айрилиб қолсам ҳам, барибир инсонлар учун «Қон» бўлиб қолаверараман. Сенга жуда раҳмим келади: Эҳтимол, мени васф этувчи мана бу шеърни эшитгандирсан:

Қонсиз ҳеч инсоннинг шони бўлармн?
Қон кетса ризқ ила нони бўларми?
Анорнинг қонлари жонлари эди,
Қара, қони кетса жони бўлармн?

— Сўзларинг асоссиз,— деди Нон. —Нон бор экан, қон мавжуд бўлади. Нон бўлмаса қонлар тўкилади. Мен эскию янгилигимда доимо иззат эгасиман. Эҳтимол, мени васф этувчи мана бу шеър қулоғингга чалингандир:

Нон юмшоқ-қаттиқми, барибир нондир,
Хислати ўзгармас, лаззатга кондур.
Шунинг-чун ҳар икки томонидан ҳам
Ўқисанг, ўзгармас, бир хилда «НОН»дир.

Маҳмуд ҲАСАНОВ.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

НОЪМАЛУМ МУДДАТГА КЕЧИКТИРИЛДИ

Америка ЮТА штати университети медицина маркази вакилларининг хабар беришича, операция йўли билан инсон организмига сунъий юракни кўчириб ўтказишни амалга оширш номаълум муддатга кечиктирилди. Барин Кларк организмига операция йўли билан сунъий юрак ўтказилгач, орадан уч кундан сўнг у ҳаётдан абадий кўз юмган. Шу ҳақдаги доклад кўриб чиқилгач, юқоридаги қарорга келинган.

Бу методнинг ишончли эканини тасдиқлашга даъват этувчи қўшимча тадқиқотлар ўтказилгач, операциялар қайта тикланади.

ЖАСОРАТ КЎРСАТИШГА ЖАЗМ ЭТДИ

Япониялик профессионал тоғ чанғиси спортчиси Юитиро Миура чинакам жасорат кўрсатишга жазм этди. У чанғида Антарктиданинг юқори чўққисидан Маунт Винсон тоғларидан тушишни мўлжаллаб турибди. 51 ёшли Миура бундай баландликлардан тушиш бўйича етарли тажрибага эга. 1970 йили Эверестнинг жанубий қорликларида чанғисининг изи қолган. Рейтер агентлигининг хабарига қараганда Япония экспедицияси ноябрь ойида Антарктидага Маунт Винсон [баландлиги 5,140 метр] чўққиси пойига йўл олади. Чўққига кўтарилган Миура узунлиги 12 километр бўлган трасса бўйлаб қайтиб тушади.

ЗАҲАРЛИ ЧИҚИТЛАР

Америка шаҳарларининг кўчаларида оддий сув тўлғазилган катта-катта шиша идишларни ташиётган юк машиналар қатнови одат бўлиб бормоқда. Матбуотнинг хабар беришича, АҚШда атроф-муҳитнинг булғанишн муносабати билан ҳалн саноатнинг заҳарли чиқитларн аралашмаган булоқ сувн ва тоғ жилғаларининг сувн билан савдо қилиш гуркираб ривожланмоқда.

Бултур, деб ёзади «Сан-Франциско кроникл» газетаси, бу иш 818 миллион доллар даромад келтирди. Келаси йили у миллард доллардан ошиш кутилмоқда. Тоза сув сотадиган миллаб автоматлар бор. Матбуотнинг сув манбаларн бўлганлиги тўғрисида берган ҳар бир хабарн мижозларимизни кўпайтирмоқда, дейди Калифорниядa ишлаб турган «Алхамбра нейшнл уортер» компаниясининг бошқарувчиси Х. Жонсон.

СОХТА ПУЛ ЯСОВЧИЛАР

Бразилия полицияси бир миллион долларга борадиган сохта пулни муомаладан ямғиштириб олишга қаттиқ уринмоқда. Убутуба шаҳридаги Сан-Паулу штатн сохта пул ясовчилар группаси офсет машинада 100 ва 50 долларлик қоғоз пулларни босган. Бир неча кун ичида уларнинг маҳсулотн Сан-Паулу, Рио-де-Жанейро, Белу-Оризонтн ва бошқа каттакатта шаҳарларда тарқаган. Полиция жиноятчиларни қамаётганда ва яширин босмахонани тинтув қилганида ҳали ўтказилмаган 11 минг «доллар»ник топган, холос.

РУЛНИ БОШҚАРОЛМАДИ

Барселонадан 200 километр нарида рўй берган фалокат натижасида 9 кишн ҳалок бўлди ва 29 кишн жароҳатланди. Испанлар ва португалияликлардан иборат 85 йўловчини олган шаҳарлараро автобус Барселонадан Мадрид сари бораётганди. Бурилишларнинг бирида ҳайдовчи рулни бошқароолмади ва автобус ағдарилиб кетди.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет оқшоми
30 ИЮНЬ. 1984 й.

Шанба фельетони

ДОҒ

Шаҳардаги гавжум магазинлардан бирига янги мудира келди. Коллектив билан таништирув маросими бўлиб ўтди. Ҳар раҳбарда ҳар хил услуб деганларидек янги мудирамиз ишни омборни айланиб чиқишдан бошлади. Шу омборда қизиқ нарса бўлиб ўтди. Мудира ёғли бочка ёнидан ўтаётганида кўйлагига тегадек ёғ тегиб қолди. Омборчи бочкасининг сиртини артиб қўймаганн учун ўнғайсизланди.

— Опажон, ҳозироқ бензин топиб келаман. Пахтанн намлаб артилса дарров асар қолмайди.

— Ҳечқиси йўқ. Бордан юқади,— мудира ҳафа бўлиш ўрнига табассум ила жавоб қилди. — Бордан юқади. Аслр ёғининг «доғи» бор.

Омборчи янги мудирaнинг кайфиятн кўтарилганидан завқланиб, ёғлоғи билан гапни илиб кетди:

— Кўйлагингизга тангадеккинаси тегди, холос...

Танга сўзининг ўзиданоқ мудиранинг чеҳраси янада ёришиб, шарақлаб кулди.

— Омон бўлинг! «Доғ» тегса, шапкодеккинаси тегса эди...

Бу ҳазил-ҳузулнинг акс-садоси бутун магазин бўйлаб жаранглади.

Қандолат бўлимида шоколаднинг, сут-қатиқ бўлимида сариёғнинг, бошқа бўлимларда гўштнинг, тухумнинг «доғи» ҳақида гап бўлди. Аввал сотувчиларнинг, кейин харидорларнинг ўртасида миш-миш гап тарқалди: «Магазинга келган маҳсулотларнинг «доғи» бўлармиш».

Хуллас, Акмал Икромов район озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 13-магазинда «доғ» термини кундалик истеъмолга айланди. Магазинга келтирилган арок, сутни харидорларга «доғ»лаб ичириб, гўшт, тухум ва ҳатто мармеладгача шапка кийдириб, яъни «доғ»лаб едириш бошланди.

Фактларга мурожаат этамиз. Магазин мудираси бўлмиш Т. Миробидова сотувчи И. Мирзаевага олтн қути вафлини конфет бериб, 5 сўм 70 тийин ўрнига 7 сўм 60 тийинлан сотишни тайинлади. Бунинг устига 20 қути салатни ёғини ҳам «доғ»лаб сотди, деб унинг ҳисобига ёзиб қўйди. «Доғ»ни чиқара олмай догда қолган И. Мирзаева ёнидан 60 сўм тўлаб, ишдан бўшаб кетишга мажбур бўлди.

Сотувчи Хўжаева ҳам шу кўйга тушди. Мудира унга 2 сўм 10 тийинлик «Журавлик» конфетларни сотишни топширди.

— Опа, бу 2 сўм 10 тийинга! — сўради сотувчи.

— Қоғоздагиси шундай, лекин 5 сўм 70 тийиндан сотасан,— деди мудира.

— Нега!— ҳайрон бўлди сотувчи, — «Доғи» бор!

Сотувчи доғини чиқара олмаганлиги сабабли лотокда ишлашга рухсат қилмади. Бу ерда ҳам 5 сўм 70 тийинлик конфетни 7 сўм 60 тийиндан сотишга ундашди. У буни уддалamади, яъни елкасига 3700 сўмлик «доғ» тушиб қолди. Арзда ёзиб ишдан кетди. Салкам бир йилдан ойлигини ҳам олмади. Лекин бу билан ҳам қутулмади...

Кунларнинг бирида Хўжаева квартирасининг эшиги тақиллади. Уйда фақат қизи бор эди, эшикни очди-ю догда қолди. Рўпарада қадди-қоматн келишган мудирa—Тўхта Миробидова турарди. У саломалнкни қисқа қилиб, ичкарига кирди. Сандиқни очди, қизининг яхши кунларига атаб йиллар давомида йиғилган сепни — 3 метр крепсатин, 3 метр парча, 6 метр япон шойиси, шифон кабн олтн кийимлик газламаларни, ҳатто никоҳ узугини, 270 сўм пулни олди. Шу кунн уйда ёлғиз бўлган қизнинг бағрини доғлаб чиқиб кетди.

Магазинга келтирилаётган молларнинг «доғи» Султонова, Тўхтаева, Шамснева кабн сотувчиларнинг ҳам аста-секин бошига бало бўлди. Улар ҳам ишдан бўшаб, «доғ»дан узоқроқ туришга мажбур бўлишди. Ҳар қандай вазиятдан фақат Т. Миробидова ўзига доғ юқтирмай қуруқ чиқаверди. Сотувчи қизларнинг сўлғинлигн, мудирaнинг дадиллиги ортаверди.

«Доғ»лаш навбатн сотувчи Ф. Нурмуҳамедовага келди. Мудира унга 6 қути тухум сотишни буюрнб, ўз дафтарчасига 9 қутн олди деб ёзиб қўйди. Кейин бошқа молларнн ҳам шунақа қўшиб ёзаверди. Сотувчининг тоқатн тоқ бўлди.

— Опажон, болта бўлсангиз уринг, лекин бунақа қилманг, — дедн-ю балога қолди.

— Кунда бўлсанг чида,— деди Тўхта Дадаматовна, — Меҳнат дафтарчангга доғ тушмасин десанг айтганимни қил!

«Кунда» бўлишга сўз берган сотувчи бир йил маош олмай ишлашга розн бўлди. Ҳалигача бўйинда 540 сўм қарзи «доғ» бўлиб осилиб турибдн.

Бунинг устига мудира унинг ҳам уйнга ташриф буюриб, 800 сўмлик шахсий мулкнни ўмарнб кетди. Чамаси ўзи озиқ-овқат магазинига мудира бўлгани билан уйнин саноат молларн магазинига айлантиришни армон қилардн. Кўнгил ўзида йўқлнн кўмсайди, деб шунга айтсалар керак-да...

Шу йилнинг 7 май кунн магазин пештахтасида сарнёғ йўқ эдн, лекин омборда 300 килограммк «доғ»лаб қўйилган экан Нима учун пештахтага чиқарилмаганн сўралганида мудира ўзнни оқлашга тушдм. Юқоридан кўрсатма бормиш, ҳар кунн 150 килограммдан сотилиши керакмиш, юқоридан бўладигаи кўрсатмалар унинг учун қонун эмиш. Айни пайтда пештахтада гўшт ҳам йўқ эдн, лекин ёрдамчи хонадан 3-монтаж бошқармаси прорабнга қурувчилларга сотиш учун гўшт тортиб бериша-ётган эдм.

«Доғ» бўлаётган маҳсулотлар ҳақнда А. Икромов райпродторгн раҳбарларн дммоғига етмаган дейиш адолатдан эмасдн. Лекин ҳар сафар, аниқроғи ўтган йилнинг ўзида 13-магазин мудираси Т. Миробидовага уч марта вноговор берилдн. Райпродторгдаги ўртоқларнинг вноговордан нарнга ўтолмаганн ҳам жумбоқ эмасмн!! Мудира бу жумбоқлардан ҳам кўпнинн догда қолдирдн.

Бнр ҳовлида бевақт қозон осиб, ёғ доғ қилинса бутун маҳалла билади. Наҳотки, Акмал Икромов райпродторги [директори Ҳ. Каримов] раҳбарлари ўз кўл остиларидаги магазинлар «доғи» шаҳардаги ахволни бузганидан бехабар бўлишса!! Савдо қондаларининг қўпол бузилишн, харидорга нисбатан дағал муомала, коллективлардаги ўзаро муросасизлик, ҳисоб-китоб ишларидаги чалкашликлар бнр-нккн кунда рўй берган камчиликлар бўлмай, кўпдан берн шаҳарликларни безовта қилаётн. Районда магазин ишини контроль қилиб бориши керак бўлган ташкилотлар бор эдн-ку! Уларда инспектор, контролёр, тафтишчи терговчи кабилларнинг катта отрядн савдо қондаларининг ҳар қандай бузилишларнн ўз вақтида йўқотишга шай бўлиб турибдн. Ёки уларнинг орасида ҳам доғларни ювиш ўринга, уннинг ҳидндан сармаст бўлиб юрганлар бормикан!

Тўғрн, шаҳарда доғ ҳидинн ёқтирмайдиганлар ҳам бор эди. Шаҳар халқ контроли комитети Т. Миробидованн вазифасидан четлаштирдн. Лекин, у партия аъзоси-ку! Торг партия ташкилотининг доғ ҳидига тоқат қилаётганн, ўз аъзосининг қилмишларига партиявий принципиал баҳо бермаётганн ажабланарлн эмасмн!! Унн торгининг техника хавфсизлигн инженери лавозимига кўтарнб қўйишганига нима дейсиз! Бу торг раҳбарларининг талқинича жазо эмиш... Бизнингча эса бунақа жазодан сўнг 13-магазин тажрибаси район миқёсида оммалашиб кетса ажаб эмас. Ана шунисига доғмиз-да»

М. НУРМАТОВ.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 2. VII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Футбол шарҳи».
10.10 «Ўз кузингдан ҳам қувон». Телефильм.
10.40 Хореографик фантазия.
11.25 «Болалик билан хайрлашиб...». Болалар учун телевизион бадиий фильм.
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қардошлик юлдузи». СССР билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида телефильм премьераси.
15.50 «Сенинг ленинча кутубхонанг». «В. И. Ленин уруш, армия ва тинчлик ҳақида».
16.30 «Тўрт танкчи ва бир ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. «Экипаж» (Польша).
17.25 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». Аэробусларни қурувчилар.
17.55 Д. Кабалевский. Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт.
18.15 «Онамларнинг мактаби».
18.45 Минск фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 40 йиллигига. «Минск балладаси». Телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». «Атоммаш ёшлиги».
20.00 «Футбол шарҳи».
20.30 С. Михалков. «Тарсаки». Москва сатира театрининг фильм-спектакли.
21.30 «Время».
22.05 «Тарсаки». Фильм-спектаклнинг давоми.
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 Сув чанғи спорти бўйича халқаро мусобақалар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «... Бўлажак тоққача». Телефильм премьераси.
9.40 «Елканлар бор экан...» Бадиий фильм.
10.50 «Будильник».
11.20 РСФСР Давлат духовой оркестри ижро этади.
11.50 «Фан ва турмуш».
12.20 «Рус тили».
12.50 Болалар учун фильм. «Эрта тонгда». 1-серия.
14.00 Тарих саҳифалари. «Оналик шуҳрати».
14.50 «Дунё ва ёшлар».
15.25 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади.
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Тоғли ўлка». Телефильм.
19.00—20.30 «Ока дарёсининг фарзанди». СССР халқ артисти А. С. Пирогов ҳақида музикали телефильм.
20.45 «Бошқирд асали». Телефильм.
21.00 Совет тинчликни сақлаш комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати.
21.30 «Время».
22.05 «Девичье поле орқали Лужникига». «Москва бўйлаб сайёҳат» туркумидан телефильм.
22.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. 1-лига. «Факел» (Воронеж) — «Металлург» (Запорожье). 2-тайм.
23.15 «Бу ажойиб дунё». Фильм-концерт.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 Ўсмирлар учун. «Орзу».
19.00 Совет Армияси жангчилари учун. «Бурчга садоқат...»
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Жаҳон адабиёти классиклари». А. Навоий. «Фарҳод ва Ширин».
20.30 «Ахборот».
20.50 Классик халқ қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Гуноҳкор фариштa». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 — 16.30 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 — 18.30 «Касби: шофёр». Телефильм.
19.00 «Адреси маълум». Телефильм.
19.30 Врач маслаҳати.
19.45 «Унцукуль безакларининг оҳанглари». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Халқ ижодиёти». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 3. VII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильм.
10.00 С. Михалков. «Тарсаки». Москва сатира театрининг фильм-спектакли.
11.50 «Ўсмирлар ижоди».
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик—ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 Орёл шаҳар баянчилар триоси чалади.
16.30 «Тўрт танкчи ва бир ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. «Қувонч ва қайғу».
17.25 «Стадион ҳамма учун».
17.55 «Горнчилар, қаердасиз!»
18.25 «Виктор Пушкарев, ишчи». Телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Соатлар ярим тунда тўхтади». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Москва дарёси бўйида». Телефильм премьераси.
22.35 М. Пятницкий номли Давлат академик рус халқ хорининг концерти.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 Сув чанғи спорти бўйича халқаро мусобақалар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Чегарада кунлар ва тунлар». Телефильм.
9.50 МТ ва БР электр музика чолғулари ансамблининг концерти.
11.05 Мультфильмлар.
11.40 В. А. Жуковский. Шеърлар ва балладалар.
12.25 Халқ куйлари.
12.40 Болалар учун фильм. «Эрта тонгда». 2-серия.
13.45 — 14.15 «Шахмат мактаби».
14.45 Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Минск трактор заводининг слесари Е. И. Климченко билан учрашуви.
15.25 «Салом, цирк!». Фильм-концерт.
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 — 20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «От ўйин». Телевизион бадиий фильм.
23.15 М. Глинка номли Ленинград Давлат академик капелласининг концерти.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Йўловчи».
11.00 «Ханжар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
12.10 «Жажжи йигитча». Фильм-концерт.
12.40 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.20 Болалар учун концерт (такрорий).
19.00 «Фан уфқлари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Июль—ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой».
22.25 Телевидение экранида биринчи марта. «Олатовнинг куй муш шоҳи». Бадиий фильм.
23.40 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 — 16.25 МТ II
18.05 — 18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.40 «Ёш директорнинг ҳаётидан». Телефильм.
19.30 «Абитуриент-84». Тошкент Давлат темир йўл транспорти инженерлари институти.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Свердлов академик драма театри (рус.).
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 4. VII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильм.
9.50 «Саёҳатчилар клуби».
10.50 «Соатлар ярим тунда тўхтади». Бадиий фильм.
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қурашчи куни» (ЮСФР). Киноочерк.
15.35 «Асли болаликдан». Ю. Олеша.
16.20 Мультфильм.
16.30 «Тўрт танкчи ва бир ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. «Биз турган жой—чегара».
17.25 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.55 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
18.25 «Дунё ва ёшлар».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.00 «Спорт ҳафталиги».
20.30 «Илла. Кузатиш пункти». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Агар тошлар тилга кирганда». Минск шаҳри фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган музикали кўрсатув.
23.25 «Дунё воқеалари».
23.40 «Жав дараси». Телефильм премьераси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Ҳосилдорлик анатомияси». Илмий-оммабоп фильм.
9.35 «От ўйин». Телевизион бадиий фильм.
10.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.25 «Саҳийлик». Фильм-концерт.
11.55 «Сизга манзур шеърлар». С. Маршак.
12.25 «Волга мавзланиб оқадиган жойда». Телефильм.
12.55 — 14.00 Болалар учун фильм. «Эрта тонгда». 3-серия.
14.30 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.00 М. Урицкий номли Маданият уйи халқ чолғу ансамблининг концерти.
15.20 «Прометей ворислари».
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Концертино» қадимий куйлар ансамбли чалади.
19.25 — 20.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.45 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». РСФСР халқ рассоми И. Симонов.
21.20 «Оилавий альбомдан». Ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Узундан узоқ йўл». Бадиий фильм.
23.20 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Калуга бадиий музейи.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Ханжар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
11.30 Мультфильм.
11.45 «Бургутча». Бадиий фильм.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Тенгдошларинг ижодидан».
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши» (рус.).
20.15 «Ноз-неъмат бунёдкори».
20.30 «Ахборот».
20.50 УзССР халқ артисти М. Шамаева ва ака-ука Ваҳобовлар концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Бўри галаси». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 — 16.25 МТ II
18.05—18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.40 «Марина». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 5. VII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар.
10.10 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.10 И. Брамс. Фортепьяно, икки скрипка, альт ва виолончель ижроси учун квинтет.
12.00 «Ўзбекистон чиннниси». Телефильм (Тошкент).
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Бугунги Жазоир». Киноочерк.
15.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
16.30 «Тўрт танкчи ва бир ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. «Ит панжаси».
17.25 «Биргаликда — аҳил оиламиз».
17.45 «Шахмат мактаби».
18.15 «Буюк кашфиётлар изидан» туркумидан телефильмлар.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Бригадирлар». «Уралмаш» заводида меҳнатни ташкил этишнинг бригада шаклини такомиллаштириш соҳасидаги тажрибалар ҳақида. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин ҳамда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, токарлар бригадасининг бошлиғи А. М. Королёв иштирок этади.
20.25 «Илла. Кузатиш пункти». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.00 Футбол. Мавсум кубоги. «Шахтёр» — «Днепр». Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».
23.45 «Қадрдон ўлкамда». Н. А. Некрасовнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ унутилмас жойлар ҳақида фильм-концерт.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Бута». Телефильм.
10.10 «Горнчилар, қаердасиз!».
10.40 Кичик концерт.
10.55 Мультфильм.
11.45 «Жўжани кузда санайдилар». Телевизион бадиий фильм.
13.00 — 14.00 КЕМЕРОВО ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
14.30 «Уч бегунёқ». Бадиий фильм, субтитр билан (ЧССР).
16.00 «Онамларнинг мактаби».
16.30 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 УССР халқ артисти, скрипкачи Б. Которович ижоди ҳақида фильм-концерт.
19.30 «Инсон ва қонун».
20.00—20.30 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
20.50 Ҳаво ҳужумидан мудофаа олий зенитчи-ракетачи қўмондонлар билим юртининг духовой оркестри чалади.
21.30 «Время».
22.00 «Вальс». Телевизион бадиий фильм.
23.00 «Ўртоқ Москва». Шарҳ.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Ханжар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.).
11.30 «Кичкинтойлар учун физика». Телефильм.
12.00 «Пионерлар мамлакатида».
12.30 «Россиянинг шарқий қирғоғи». Телефильм.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз—80-йиллар комсомоллари».
19.00 «Касб эмас, тақдир». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Меҳнат ва санъат ҳамкорлиги».
20.10 Катталар учун мультфильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Телефильм.
21.00 «Полифоник лавҳалар». Ўзбекистон Давлат телерадиоси хизмат кўрсатган хорининг концерти. Бадиий раҳбар — УзССР халқ артисти Б. Умиджонов.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.20 «Баҳс». Ёшлар учун аҳлоқий-этик мавзуда кўрсатув.
23.20 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.05—18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.40—19.10 «Шимол дарёларининг эртаклари». Телефильм.
19.40 Реклама.
19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Қармоққа туш, балиқчам». Балиқчилар кунига бағишланган кинопрограмма.
21.30 МТ II

ЖУМА, 6. VII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Жаҳон халқларининг ижоди».
10.15 «Қанот қоққандек». Телефильм.
10.45 «Кураш қўшиқлари: умидлар, жанглар, ғалабалар».
11.35 Болалар учун фильм. «Зебрани ўғирлашди».
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саксонинчи йиллар коммунистлари». Телефильмлар.
16.00 «Рус тили».
16.35 «Тўрт танкчи ва бир ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. «Малла, асал ва мукофотлар».
17.25 «Венесуэла манзаралари».
18.05 «Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплексига».
18.35 «Оржоникидзеда қўшиқ куйлашганда». Фильм-концерт.
19.05 Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Инсон ва қонун».
20.00 М. Равель. Ш. Перронинг эртаклари асосида 5 та фортепьяно пьесаси.
20.25 «Илла. Кузатиш пункти». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Олам кинокамера кўзгусида».
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 «Севги достони». Ж. Рожденственская, В. Абдулов, Э. Юзбашян иштирокида музикали кўрсатув.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Ҳужжатли фильмлар: «Ўн қадам олдинда», «Қишлоқ ўқитувчиси».
10.00 «Бола—болада». Телевизион бадиий фильм.
11.10 Мультфильм.
11.30 Д. Шостакович. XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган революцион шоирларнинг шеърларига аралаш хор ижроси учун ёзилган 10 поэма.
12.15 «Дружба-84» социалистик мамлакатлар халқаро мусобақалари. Стол тенниси. Пхеньяндан олиб кўрсатилади.
12.45 — 14.05 Болалар учун фильм. «Шаҳзода ва гадо».
14.35 А. Н. Островский. «Сепсиз қиз».
15.35 «Борис Гмиря». Фильм-концерт.
16.30 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Нэнди» Дмитрий Жлоба». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Сиз яратган боғ».
19.30—20.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Зенит» — «Динамо» (Тбилиси). 2-тайм.
21.30 «Время».
22.05 Л. Филатов. «Каккули соат». Телеспектакль.
23.10 «Кўғирчоқ ўйини усталари». Телефильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм «4 «В» синфидаги сеҳргар».
10.50 «Аҳмад қаёқда?». Кинокомедия.
12.20 «Пионер ёзи» (рус.).
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Шоирлар — болаларга». Қудрат Ҳикмат.
18.45 Болалар учун фильмлар.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Сула — тундра дарёси». Телефильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 Эстрада концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Эртага— премьера». Кинокўрсатув.
23.15 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10—18.30 «Бошқа қишлоқ». Телефильм.
19.00 «Абитуриент-84». Беруний номли Тошкент политехника институти.
19.30 «Тоқтагул опанинг алласи». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ёз — дам олиш даври» (рус.).
20.50 Классик куй саҳифалари.
21.30 МТ II

ШАНБА, 7. VII

ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Салом, Бурятия». Телефильм.
10.05 Шарқий Сибирь Давлат Маданият институти халқ куйлари ансамблининг концерти.
10.30 «Спортлото»нинг 27-тиражи.
10.40 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.10 «Тасвирий санъат». Шарҳ.
11.50 К. Вебер. «Оберон» операсига ёзилган увертюра.
12.00 «Сизга манзур адабиётлар».
12.45 «Ёдингдами, ўртоқ...»
13.45 «Бугун — Халқаро кооперация куни».
14.15 «Хатларингиз асосида». Халқаро кооперация кунига бағишланган музикали кўрсатув.
15.00 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.30 «Дунё воқеалари».
15.45 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телеконкурси.
16.40 «Дарахт ичидаги ёнғин». Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
17.10 «Агар соғлом бўлай десанг».
17.25 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати.
17.55 «Композитор С. Туликов». Фильм-концерт.
18.45 «Ҳайвонот оламида».
19.45 «Петр I». Бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Петр I». Бадиий фильм. 2-серия.
23.40 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.25 «Тонгги почта».
9.55 Болалар учун фильм. «Сахатнинг ёзи».

11.00 УКРАИНА ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

12.35 «Ҳужжатли экран».
13.35 «Музикали киоск».
14.05 «Кинопанорама».
15.35 Э. Ростан. «Сирано де Бержерак». Телеспектакль.
18.25 Телефильм.
18.55 Москва. Консерваториянинг катта залн.
20.15—20.30 «Халқаро обзор».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Балли, қизлар».
23.35 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Полвон ва қизиқчи». Бадиий фильм.
12.00 «Шахмат мактаби».
12.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ишчи — фахрли ном». Ҳунар-техника билим юртлари республика телевизион конкурси. Финал.
13.45 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида».
14.05 «Ўзбекистон оппоқ бир денгиз». Адабий кўрсатув.
14.35 «Буни ҳамма билиши ва удалаши керак».

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мультфильмлар.
18.40 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Цирк, эстрада, цирк».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Инсон ва замон». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун программа.
23.20 Кўрсатувлар программаси.

● 18.00—21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ЯКШАНБА, 8. VII

БАЛИҚЧИЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Б. Романов чалади (органда).
9.50 Балиқчилар кунига бағишланган телефильмлар.
10.30 «Будильник».
11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
12.00 «Здоровье».
12.45 «Тонгги почта».
13.15 «Қурилиш ва архитектура».
13.30 «Қишлоқ янгиликлари».
14.30 «Музикали киоск».
15.00 Болалар учун кўпкари мавзули телевизион бадиий фильм.
15.40 «Бугун—Балиқчилар куни».
16.10 «Хатларингиз асосида. Балиқчилар кунига бағишланган музикали кўрсатув.
16.55 «Саёҳатчилар клуби».
18.00 «Жамоатчилик фикри имконияти». «Жойида ҳал этилмоқда туркумидан. Эстония ССР партия ва совет ташкилотларида механизаторларнинг хатлари, таклифлари ва шикоятлари билан ишлаш тажрибасидан.
19.00 «Халқаро панорама».
19.45 КХДР ёшлар ансамблининг концерти.
20.15 Мультфильм.
20.25 Жаҳон энг кучли фигуристларининг чиқиши.
21.30 «Время».
22.00 Футбол. Мавсум кубоги. «Днепр» — «Шахтёр».
23.45 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!».
9.20 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан олиб кўрсатилади.
9.50 Мультфильм.
10.05 «Рус тили».
10.35 Ҳужжатли фильм.
10.55 ССР Иттифоқи Давлат камер оркестрининг концерти.
12.00 «Сеҳрли гоз». Болалар учун телеспектакль премьераси.
12.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
13.30 «Қирғизистон тароналари». Фрунзедан олиб кўрсатилади.
14.00 «9-студия».
15.00 «Дружба-84» социалистик мамлакатлар халқаро мусобақалари. Стол тенниси. Пхеньяндан олиб кўрсатилади.
15.30 «Инсон. Ер. Коинот».
16.15 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.45 «Атландлар ва карибларда» Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
18.15 Машҳур совет инженери — Ленин мукофотининг лауреатлари. Е. Нестеренко ҳақида фильм.
19.30 «Тоғлардаги театр». Телефильм премьераси.
20.00 — 20.30 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб».
20.50 «Уссурий тайгаси бўйлаб сайёҳат». Ҳужжатли фильм.
21.00 Г. Троепольский. «Оқ ит. Қора қулоқ».
21.30 «Время».
22.00 «Қушсиз тун». Бадиий фильм.
23.30 Халқаро конкурс лауреати Т. Федькина чалади (фортепьяно).

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Телевизион миниатюралар театри.
11.10 «Ўзбекистон спорти».
11.40 Мультфильм.
12.00 Мактаб ўқувчилари учун «Қувноқ стартлар».
13.00 «Асов кема». Бадиий фильм.
14.15 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мультфильмлар.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.10 «Бугун — Балиқчилар куни».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ягона оилада». УзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган ҚҚАССР республика областларининг телевизион фестивали. Экранда — Навоий области.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мардикор, талантлар». УзССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Навоий область.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Мардикор, талантлар». УзССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Навоий область (давомн).

● 16.05—21.30 КИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

«ЭНГ ЯХШИ БУЮМЛАР—БОЛАЛАРГА»

ЭРТАКЛАР ҲУЗУРИНГИЗГА МЕҲМОН БЎЛИБ БОРАДИ



«Бувижон, менга эртак айтиб беринг», деб илтижо қилади набира. Лекин доно бувижон ҳам грампластинкаларга қанчалаб ёзилган эртакларнинг ҳаммасини ҳам айтиб беролмайди.

ҚАДРДОН ОТА-ОНАЛАР!

Сиз доктор Айболит, Мойдодир, Бремен музикачилари, Дюймовочка, Золушка, Буратино, Карлсон ва бошқа кўплаб қаҳрамонларни эркатойларингиз ҳузурига меҳмонга таклиф қилишингиз мумкин. Бунинг учун эртаклар ёзилган грампластинкаларни сотиб олиш лозим бўлади.

МАРКАЗИЙ БОЗОРДА

1—10 ИЮЛЬ КУНЛАРИ

БОЛАЛАРГА АТАБ ЧИҚАРИЛГАН ГРАМПЛАСТИНКАЛАРНИ СОТИШ УН КУНЛИГИ УТКАЗИЛАДИ.

Марказий бозорнинг иш соати — 10 дан 18.00 гача.
Транспорт: 3, 5, 7, 8, 11, 13, 22, 25-трамвайлар; 3, 11-троллейбуслар; 7, 9, 54-автобусларнинг «Марказий бозор» бекати.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/VI **Масхарабозлар**, 1/VII да **Бир актли балетлар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/VI да **Қиёмат қарз.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Сувда цирк» Москва циркининг хайрлашув гастроллари** (30/VI да 15.00, 18.30 да).

кино

30 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ» — **Санъат саройи** (16, 18.30, 20.45; телефон 44-21-74), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ТУГАТИШГА КИРИШИЛСИН» — **Санъат саройи** (17, 19.30), **Чайка** (18.30, 21.00, телефон 77-06-20), **Фестиваль** (21.40, телефон 32-78-02).

Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (18, 21.00, телефон 78-47-25), **Ватан** (17, 18, 20, телефон 35-24-92), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (18.30, 21.00; телефон 14-61), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (17, 20.00; телефон 35-44-53), **Собир Раҳимов номли** (18.30, 21.00; телефон 53-65-87), **Собир Раҳимов номли** (18.30, 21.00; телефон 46-71).

«ДУБЛЁР ИШГА КИРИШАДИ» — **Хива** (21.40, телефон 32-78-02).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ РОҚЧИНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Ватан** (18, 21.00, телефон 78-47-25), **Ватан** (17, 18, 20, телефон 35-24-92), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (18.30, 21.00; телефон 14-61), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (17, 20.00; телефон 35-44-53), **Собир Раҳимов номли** (18.30, 21.00; телефон 53-65-87), **Собир Раҳимов номли** (18.30, 21.00; телефон 46-71).

87-ҳунар-техника билим юрти томонидан Шуҳрат Туропович номига берилган 053819 рақамли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги коллегияси аъзоси, министр ўринбосари Т. А. Амедова онаси

Марҳум **АҲМЕДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») -орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 33-57-83; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

30 ИЮЛЬ, 1984 й. Р. 12349. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12